

САКЛАРНИНГ БУЮК МЕРОСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7829706>

Баймухамбетова Раҳима Калбаевна

ЖДПИ академик лицейи тарих фани ўқитувчиси

Мазкур мақолада қадим саклар ҳақида ва уларнинг бугунги кунга қадар сақланиб қолган мероси яни учқир қалпоқларини турли минтақаларга тарқалиши ҳақида билиб оламиз. Ўрта асрларда мўғул, хитой, чингизий ва хатто европаликлар орасида урф бўлган ҳозирда эса қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқининг миллий бош кийими сифатида улуғланувчи саукеленинг кўриниши, рамзий маъноси ҳақида маълумот бериб ўтилади.

Калит сўзлар: *Сак, сака-тиграхауда, саукеле, желек, кимешек, шокуле, элечек, калак, чумкот, тумак, бокка-богтаг, атур-эннин.*

Ключевые слова: *Сак, сака-тиграхауда, саукеле, желек, кимешек, шокуле, элечек, калак, чумкот, тумак, бокка-богтаг, атур-эннин.*

Ўтмиш асоратлари ҳеч қачон изсиз кетмайди. Чунки ўтмиш фақат сиёсий - иқтисодий тарихдан иборат бўлиб қолмай, у айна дамда халқнинг хотирасидир. Уларнинг яшаш тарзи, одатлари, кадрятлари. Биз сўзларимизда, одатларимизда аجدодларимизнинг руҳини ўзимиз билан олиб юрамиз. Инсонларнинг миллийликка қадим одат кадрятларга мойиллиги бунинг исботидир Марказий Осиё халқлари маданиятига сингиб кетган ана шундай қадим саклар меросига қисқагина назар ташлаймиз. Милоддан аввалги бир минг йилликда яшаб ўтган сакларнинг учқур қалпоқлари ва бугунги кунда унинг давоми сифатида туркий халқларининг миллий ғурурига айланган бош кийимлар, тарихий сабаблар сабаб бу бош кийим шаклини жаҳонга тарқалиши ҳақида гаплашамиз. Сакларнинг ўзи кимлар эди? Антик тарихчилар ёзиб қолдирган маълумотларига кўра Марказий Осиёда саклар, массагетлар, сўғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар каби қадимги халқлар яшаб ўтишган. Уларнинг ичида саклар чўл, дашт, тоғли ҳудудларда кенг тарқалиб учга бўлинган. Сака-тиграхауда - учқир қалпоқ кийиб юривчилар. Улар Тошкент вилояти ва жанубий Қозоғистон ҳудудларида яшашган. Иккинчи қабилавий бирлашма сака-тарадарая – дарёнинг нариги бетида яшовчилар. Улар Сирдарёнинг қуйи қисми ва Орол дарёсининг бўйида яшашган. Учтинчи бирлашма сака-хаумаваарка – хаомага яъни муқаддас ичимликка сиғинувчилар. Помир тоғлари ва Фарғона ҳудудларида яшаган қабилалардир. Буюк даштнинг эгалари бўлган сакларнинг руҳияти ҳозир ҳам яшаб келмоқда. Сака-тиграхаудалар эса бугун кўпгина халқларга улуғ меросни асрларга тенг бўлган азиз бош кийимни мерос қилиб қолдирганлар. Кўпчилик

олимларнинг фикрича ўтмишда эркак ва аёл сака-тиграхаудалар бирдек учқур қалпоқ кийиб юришган. Вақт ўтиши билан турмушнинг доимий одати миллийлик тус олиб, хозирда бундай бош кийимлар тўй-тантаналарда келинчакларга хос бош кийимга айланган. Шу ўринда саклар ҳаётдан сўзловчи оламшумул топилма ҳақида сўзлаб ўтиш жоиздир. 1969 йили Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридан 53,5 километр узоқликда Иссиқ дарёси соҳилидан сак жангчиси топилади. Бу ноёб топилма шартли равишда “Олтин одам” номини олиб, унинг шуҳратга эришишига сабаб жангчи устидаги зирх олтиндан ишланиб, жуда катта дабада ва бойликлар билан қўмилган 18-19 ёшли бу жангчи ўз даврида аслзодалардан бўлганидан дарак беради. Унинг устида 4000 дан ортиқ олтин пластиналар чарм асосга қадалиб, бош қисмининг ўзида 150 та турли хайвонларнинг сурати акс эттирилган олтин пластинкалар ўрнатиб чиқилган. Унинг бош кийими конус шаклида ясалиб, унда қуш, қор қоплони, қанотли тулпор, дарахтнинг суратлари ва тўртта камон ўқи ўрнатилган. Бу учқур бош кийим сакларнинг коинот ҳақидаги тасаввурларини ўзида мужжасам этади. Олимлар камон ўқларини дунёнинг тўрт тарафига, рамзий суратларни осмон, ер, ер ости билан боғлиқлигига ишора деб биладилар.²

Қуйида Марказий Осиё халқларининг бош кийимлари, асосан Саукеле ҳақида ва бу каби бош кийимларни Европагача кириб бориши ҳақида тўхталиб ўтамиз. Қадимги юнон тарихчилари Геродот, Страбаон, Птоломейлар тамонидан юнон ва лотин тилларида ёзилган манбаларда сакларни скифлар деб атайдилар. Жумладан эрамиздан аввалги V асрда яшаб ўтган, Кичик Осиёнинг Галикарнас (Туркия) шаҳридан бўлган Геродотнинг ёзишича, Етгисув, Тяншан тоғ этагларида яшовчи сака-тиграхаудалар учқир қалпоқда юришган. Кўпчилик олимлар бундай бош кийимларни тарқалишига сабаб ўрта асрларда содир бўлган босқинчилик юришлари ҳамда сулолалараро никоҳлар сабаб бўлиб қолмасдан бу дашт ва саҳрода яшовчи халқларнинг миграцияси сабаб бўлган. Олимлар Ю.Д. Петухов ва Н.И. Васильевнинг такидлашича “-юнон цивилизацияси Скифиядан қуват олиб, янги ҳаётга юзланган”. Ж. Мэллори “- Қазиишма ва изланишларим натижасига суяниб ишонч билан айтаманки саҳро халқлари Тиса дарёси ва Болқонга кўчиб келганлар” “-Дорийлар, ионийлар, аргослар, миссен ва ахейларнинг аجدодлари эллинлардир. Эллинлар эса этник жихатдан скифларга яқин бўлган” - дейди К.К. Томпиев.³ Бу қадим маълумотлар саклар маданиятини қай тарзда Кичик Осиё, Болқон, Юнонистон ҳудудларига кириб борганидан дарак беради.

Хозирда қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ аёлларининг бош кийимига айланган Саукеле конус шаклида бўлиб, конуснинг думалоқ қисми бошга кийилган. Учи тепага қараб турган. Бош кийимнинг бундай шаклда ясалишига сабаб, унинг тепа қисми ер юзидаги энг баланд муқаддас она тоғ Улуғтоғнинг учига монанд қилиб ишланган. Бош ва осмоннинг узвий боғлиқлиги орасидаги ички қисмда руҳ яралган. Бунда Кўктангрига сиғинувчи туркий халқларни илк ибтидоий динининг ўрни каттадир. Турли халқларда қадимги саклар, мўғуллар, хитойлар, европаликларнинг бош

кийимлари кўриниши жихатдан ҳар-хил аммо асосий ғояси, асоси бирдир. Саукеле оқ кигиз ёки бошқа жунли қаттиқ матодан тикилган. Устки қисми духоба, шойи атлас матолар билан қопланган. Саукеле бошга кўндириладиган думалоқ қисми ва энг юқори *тожли тепа* қисмларга бўлинган. Бошга яқин қиси *бўрик* теб аталиб асосан кундуз, тулки, сувсар мўйналари тикилиб учки тепа қисмига укки пати қадалган. Тепа уч қисмидан тушган нафис ҳарир мато келиннинг ортидан ерга қадар тушиб турган. Саукеле маржон, марварид, ёқут, феруза, олтин, кумуш каби қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Икки ёнбошда қулоқчин каби икки узун *жақтау* деб аталган лента аёлларнинг кўкрак қисмигача тушиб турган. Уларга ҳам олтин ёки кумушдан безак бериб, усига тошлар қадаб чикилган.

Битта мукамал бош кийимни тайёрлаш учун бир йилча вақт сафланган. Тўқувчи, тикувчи, заргарлар ўз маҳоратини кўрсатиб шундай шижоат билан ишлаганларки, ҳеч бир саукеле бир-бирини такрорламаган. XIX асрга келиб бир заргар битта бош кийим учун 1000 рубл ҳақ олиши мумкин бўлган. Бу пулга бир нечта зоттор арғумоқларни сотиб олиш мумкин эди. ...⁴

Безак учун қадалган ҳар бир тошнинг, белгининг, шаклларнинг рамзий маъноси бўлган. Кумуш кучли химоя воситаси, олтин тўқлик рамзи бўлган. Марварид ёмон кўзлардан, ёқут сеҳр жоду ва дарддан халос этади деб ҳисобланган. Уккининг бир тутам пати ҳам кўздан, баъло қазодан асровчи восита бўлган. Маросимларда амалга ошириладиган расм-русумлар, кийим ва улардаги белгилар бизларга қадим одатлар, ибтидоий дин ҳамда яшаш шароитларидан то бугунги кунга қадар қадрият бўлиб шаклланган. Унинг номини келиб чиқиши юзасидан бир неча фаразлар мавжуд. Қозоқ, қорақалпоқ тилларидан таржима қилганда Сау-бош, келле-химояланган деган маънони англатади. Уларнинг ичида яна бир эътиборлиси бу, Саукеле номи -сау келема?, яъни -соғ келармикан? деган маънони ҳам билдиради.

Маълумки ўтмишда бир уруғдан иккинчи уруғга қиз узатилганда, от араваларда ўтирган қудалар совға саломлар билан куёвнинг уйига етиб келиши учун бир неча кун хатто ойлаб йўл босиб келган. Улар йўл йўлакай қароқчи талончиларга дуч келиши эҳтимоли кўп бўлган. Узатилган қиз ўз уйдан олислаб кетганда энг охири унинг бош кийими кўздан ғойиб бўлган. Куёвнинг уйига яқинлашганда ҳам биринчи бўлиб у кийиб олган саукеленинг учи кўринган. Бу хуш хабардан дарак бўлган.⁵

Шу сабаб бу бош кийим яхшиликдан нишон, ўз эгасини ёвуз руҳлардан асровчи тумордек муқаддас ва азиз ҳисобланган. Янги келин бир муддат саукеле кийиб, кейин *желек* деб аталувчи саукелега қараганда бироз пастроқ ва усти парча билан қопланган бош кийимда юрган. Биринчи фарзанди дунёга келгач *кимешек* деб номланувчи, тепаси текис энига қараб мато ўралган, аёлнинг бўйни ва кўкрак қисмини ёпиб турувчи бош кийим кийиб юришган. Бу шаклдаги бош кийим қирғиз ва қозоқ аёллари орасида кенг тарқалган. Аёл қанчалик ёш бўлса кимешекдаги безак тошлар шунча кўп бўлган. Аёлнинг ёши улғайиб боравергач безакларнинг сони ҳам камайиб бораверган.⁶

Қирғиз саукелеси яъни *шокуле* баландлиги 22-30 сантиметрли ташкил қилиб, у оқ кигиз матодан ишланган. Атрофи ва устки қисмлари қизил, яшил, кўк рангдаги қалин жундан тайёрланган турли сифатдаги матолар билан безак берилган. Қирғиз халқининг бадавлат хонадон чиққан қизларгина турмушга чиққач шокуле кийиб юришган. Янги турмуш қурган келинчак бир неча кун шокулени кийиб юрган. Сўнгра бу бош кийим келиннинг уйига қайтарилган ва келиннинг сингиллари, яқинлари бу бош кийимдан фойдаланган. Помир қирғизлари кийган учқур бош кийим *калак* юзни ёпиб турувчи нафис мато *чумкот* деб аталган. Одатда қирғиз аёллари тўйдан кейин элечек деб аталмиш бош кийимни кийиб юришган. Элечек баландлиги 30-40 сантиметрли ташкил этган. Уски тарафи теккис. Оддий халқ аёллари 5-7 метр, зодогонлар эса 15-30 метрли оқ матони энига қараб бир текис ўраган саллага ўхшаш бош ким бўлиб, мато оиланинг ижтимоий келиб чиқишига қараб пахтали оддий ёки қиммат шойи матодан бўлган. Баъзан ёш аёллар тайёр элечек устидан қизил шойи ўраб олишган. Кўчманчи қирғизлар учун мато жуда қиммат мулк ҳисоблангани боис, зарур бўлганда элечекдаги матонинг бир қисми ёш болани ўраш учун ўрам ва баъзан кафан вазифасини ҳам ўтаган.

Қорақалпоқ саукелеси ҳам учли аммо, кўриниши учидан бошга қараб думалоқ шаклга эга, бошга киядиган қисми *тумак* деб аталган. Унда ҳам икки ёнбошда кулоқчин осилиб туради. Пешона ва олд қисмига дур, маржон, марварид, шиша мунчоқлар билан безак берилиб, у ҳам аёлнинг бўйин ва кўкрак соҳасини ёпиб туради. Юзни ўраб, елка қисми ёпиб турувчи мато чети шокилда билан безатилади. Юқорида айтиб ўтилганидек саукеле – “ҳимояланган бош” маъносини англатишини инобатга олган ҳолда, тарихчилар қорақалпоқ бош кийимини ҳарбий дубулғага қиёслашади. Этнограф олим Т.А. Жданконинг фикрича қорақалпоқ саукелеси қадимги сак-массагет ҳамда сармат-алан аёл жангчиларининг бош кийими билан узвий боғлиқдир.

Тангашунослик фани маълумотларига асослансак шу каби бош кийимлар Парфия шохи Синатқуранинг, Урарту подшоҳларининг, эр. авв. I асрга тегишли Хоразм шоҳларининг бош кийимлари қарақалпоқ саукелесига ўхшайди.⁷

Бокка ёки богтаг Олтин Ўрда аслзода хонимларининг бош кийими бўлиб, XIII аср ўрталарида шарқий Европа ҳудудида вужудга келган ва кенг тарқалган. Хитойда Чингизхоннинг набираси Хулагу асос солган Юуань сулоласига мансуб хонзодалар ва уларга хизмат қилувчи сарой хонимлари ҳам шу бош кийимни кийиб юришган. Хитойда бу бош кийим гу гу деб аталган. Бу бош кийимнинг қандай пайдо бўлгани тўлиқ маълум эмас. Айнан богтакга ўхшаш суръатлар X асрга тегишли Хитой манбаларидан топилган. Богтагнинг асоси худди саукелега ўхшайди бироқ, унинг учки қисми учбурчак эмас балки тўртбўрчакдир. XII -XIII асрда яшаб ўтган италиялик сайёҳ ва тарихчи Джованни де Плано Карпини “ -татар аёллари (мўғуллар) бокка деб аталган бош кийимни кийишади. Икки қўлни ёйиб унинг учига тегизса узунлиги бир тирсак келади” деб ёзади.⁸

Кўчманчиларнинг бу бош кийими асрлар давомида чингизий маликаларнинг ноёб бош кийими бўлган. Бу каби бош кийимлар темурий маликаларга ҳам кўрк бағишлаган. Амир Темур хузурига келган ва амирнинг суюкли рафиқаси Сарой Мулк хонимни кўриш бахтига муяссар бўлаган испаниялик сайёх тарихчи Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг эсталикларида – “ Унинг бошида қизил матодан ишланган дубулғагасимон бош кийим худди турнирдаги рицарларникига ўхшаш ва бу дубулға жуда баланд эди. Унинг устида йирик, ёрқин, думалоқ маржон, ёқут ва феруза каби бошқа тошлар жуда гўзал қилиб ўрнатилган.... ”–дея ёзиб қолдиради Конус шаклидаги учқур бош кийимнинг Европага кириб келишида Франция қироличаси бавариялик Изабелла(1370-1435) сабабчи бўлган деб билишади. У қипчоқ хони Котяннинг авлоди бўлган. Унинг ота тамондан бувиси ва буваси Бовария герцоги Стефан II ва Сицилия маликаси Елизавета бўлган. Елизаветанинг отаси Сицилия қироли Фредерик III онаси малика Элонора бўлган. Элеонора Неопалитания қироли Карл II чи ҳамда Венгрия маликаси Мария эди. Мария Венгрия қироли Стефан V (Иштван) ҳамда Елизавета Куманнинг (Эржбета) қизи бўлган Айна Елизавета Куман қипчоқ хони Котяннинг қизи эди. Хозирги Астрахан ҳудудида яшовчи хон 1238 йилда Ботухон кўшинидан қочиб Венгрия ҳудудидан паноҳ топади аммо хон ҳам унинг ўғиллари ҳам венгер аслзодалари хоҳиши билан ўлдирилади. Қизи Елизавета Венгрия қироли Бэла IV нинг ўғлига турмушга чиқади. Шу тариқа дашт урфи Европага кириб келади.

Бургунд модаси сафига кирувчи *атур* бош кийими франсуз тилидан *atour* – атрофи ўралган деган маънони англатган. Унинг яна геннин, эннин, эннен деган синонимлари ҳам мавжуд. XV асрда Европа бўйлаб урфга кирган. Узунлиги конус шаклида 50-60 сантиметр бўлиб, крахмалланган дағал мато ёки қаттиқ қоғоздан қилинган. Устига шойи қопланиб конус учига нафис юқа шойи яъни шлейф уланган. Ўша давр урфи талаб қилса аёл юз қисмини ёпиб турувчи тўрли вуаль ўрнатган.⁹

Европа аёллари учун бу бош кийим кўпроқ моданинг бир қисми бўлиб хизмат қилган. Кибор хонимлар уни бошининг бироз тепароқ соч қисмига кўндириб олганлар. Шарқда эса бу бош кийим табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, шу билан бирга улкан рамзий маънога эга бўлган.

Шу тақлид учқир қалпоқли бош кийимлар дунёнинг турли нуқталарига тарқалган. Унга ўхшаш бош кийимларнинг кўпи тўлиқ ўрганиб бўлинмаган. Аммо ўтмиш ҳамиша ўзидан садо бериб яшашини ҳеч ким рад эта олмайди. Хозирда сак деган миллат ҳам, давлат ҳам йўқдир аммо, унинг буюк мероси ҳамиша барҳаёт.



“ОЛТИН ОДАМ” САУКЕЛЕ АТУР ЁКИ ЭННИН



БОККА ЭЛЕЧЕК КИМЕШЕК ҚОРАҚАЛПОҚ САУКЕЛЕ

¹ “История древнего мира” А.С. Сандуллаев, В.А. Коцтецкий Ташкент-2017 г. 77-стр.

² <https://vechastana.kz/zolotoj-chelovek-istoriya-unikal-noj-nahodki> Золотой человек: история уникальной находки <https://putidorogi-nn.ru/aziya/72-zolotoi-chelovek> Золотой человек - легендарная находка из кургана Иссык

³ <https://cyberleninka.ru/article/n/sakskie-ostrokonechnye-golovnye-ubory-v-evrope> Сакские остроконечные головные уборы в Европе. Рахимжанова Лейла Шаймерденовна Казахский саукеле. Женский свадебный головной убор: от саков через тысячелетия к казахам.

⁵<https://mir24.tv/articles/> Саукеле для дочери: как головной убор мог защитить казахскую невесту. Алия Султан.

⁶ <https://ru.sputnik.kz/20211008/simvol-materinstva-mudrosti-i-zhenstvennosti-kimeshek-kazakhi-18345986.html> Что кимешек мог рассказать о хозяйке: почему он был важен для казашек

⁷ <https://naukarus.com/desyat-karakalpakskih-saukele> ЭО, 2014 г., № 4 © И.В. Богословская ДЕСЯТЬ КАРАКАЛПАКСКИХ САУКЕЛЕ.

⁸ [https://ru.wikipedia.org/wiki/Бокка \(головной убор\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Бокка_(головной_убор))

⁹ <https://cyberleninka.ru/article/n/sakskie-ostrokonechnye-golovnye-ubory-v-evrope> Сакские остроконечные головные уборы в Европе. Рахимжанова Лейла Шаймерденовна.